



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГ

“Адолат” социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг якуний натижаларига бағишланган брифинг ўтказди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робохон Махмудова ўтказилган сайлов, ушбу жараёнда партиянинг иштироки бўйича баёнот берди.

РМахмудова мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сай-

лови ниҳоясига етгани ва бу сайлов янги раҳбарнинг ўтганлигини таъкидлаб, мазкур сайловда “Адолат” социал-демократик партияси номзоди сифатида иштирок этиш масъулиятли бўлганлиги билан бир қаторда, юксак шараф эканлигини алоҳида эътироф этди.

— Биз сафдошларимизнинг ҳамжиҳатлигида ўз гоё ва ташаббусларимиз билан сайловга киришдик ҳамда сайлов кампанияси даврида электоратимиз ва кенг жамоатчилик билан очиқ, самарали мулоқотни йўлга қўя олдик.

Сайловдаги ташвиқоти даврида, жойлардаги учрашуларимизни ўтказишда ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда, Сайловдаги дастуримизни тарғиб қилишда, айниқса, депутатларимиз ва партиянинг ҳудудий ташкилотлари ходимлари алоҳида фалокли кўрсатишди.

Шу муносабат билан “Адолат” социал-демократик партиясининг барча аъзолари ва фаолларига ўзимнинг чуқур эҳтиромимни ва миннатдорлигимни билдирмоқчиман, — деди Робохон Махмудова.

Шунингдек, тадбир жараёнида сайлов кампанияси даврида сайловдаги ташвиқотини ҳеч қандай

тўсиқларсиз, эмин-эркин амалга оширилганлиги, сайловдаги ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан, шу жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланилганлиги ва бунинг натижасида партия номзоди томонидан илгари сурилган Сайловдаги дастурий ғояларни кенг тарғиб қилишга эришилганлиги айтиб ўтилди.

Қайд этилганидек, сайлов куни “Адолат” СДПнинг барча даражадаги сайлов штаблари тўлиқ таркибда фаолият олиб борди. Ҳудудий ва маҳаллий сайлов штабларидан келган ахборот ва маълумотлар партиянинг мар-

казий штабда умумлаштирилиб, таҳлил этиб борилди. Республика бўйича барча сайлов участкаларида партиядан жами ўн бир минг нафардан ортиқ кузатувчи ва яна шунча ваколатли вакиллар овоз бериш жараёнларини кузатиб борди. Сайлов жараёнларида қонун бузилиш ҳолатлари бўйича партия марказий штаби ва ҳудудий штабларга ҳеч қандай шикоят ёки муурожаатлар келиб тушмади.

Қолаверса, тадбирда сайлов бу халқ танлови эканлиги, унинг натижаларини сайловчилар берган овозлар ҳал қилиши ва бўлиб ўтган сайловда эришилган натижалар партиянинг халқимиз ва сайловчиларимиз орасидаги обрўси,

нуфузи тобора ортиб бораётганлигининг ифодаси сифатида таъкидланди.

Шунингдек, очиқ, ошқора, халқаро андозалар, демократик талабларга тўла мувофиқ тарзда бўлиб ўтган сайлов натижаларини тан олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев Президент сайловида ғолиб бўлганлиги билан партия номидан муборакбод этилди.

“Адолат” СДП
Матбуот хизмати

Бугунги сонда

ЕТКАЗИЛГАН
ЗАРАР
ҚОПЛАНДИ.
АММО...



Билишмасди, дейиш нодонлик бўларди. Чунки икки йилдан охиқ вақт мобайнида олиб борилган текширишлар натижасида ғайриқонуний ҳолатлар аниқланмаган, бор ҳақиқат ойдинлашган эди. Фақат божхоначилар ўзларнинг қилиб қўйган нотўғри ишларини хаспўшлаш, МЧЖдан олинган пулни қайтариб бермаслик максасида турли-туман текширишларни амалга оширган. Ваҳоланки, божхоначилар тадбиркорнинг маблағларини ўз вақтида қайтариб берганларида нафақат тадбиркор, халқ ҳам, жамият ҳам бундан наф кўрган бўларди.

ҲАММА БИР ХИЛ ТУШУНИШИ ВА ҚЎЛЛАШИ ЗАРУР

ёхуд ОАВга оид қонунларни ким шарҳлайди?

Бунинг учун жонқуяр депутатлар, ижро ҳокимиятининг юртпарвар вакиллари, мухтарам судьялар ҳамкорликда шундай тизимни яратишлари зарур. Мазкур ишнинг аввалида эса уч ҳокимият мутаасадилари тўртинчи ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорликда ОАВга оид ва тегишли қонунларни шарҳлашлари, миллатнинг равнақиға, Ўзбекистоннинг ташқи дунёдаги обрўсига бевосита ижобий таъсир қиладиган, энг асосийси, келажақда мавжуд ҳокимиятлар ва журналистлар муносабатларини тартибга солиб турадиган амалий қўлланма — шарҳлар тўплами яратилиши зарур.



Машҳурларнинг аёллари



Кашта сабад
топилган бахт

Адабиётнинг юмор, ҳажв ёналишларидан ташқари, санъат соҳасида ҳам ўзига хос ўринга эга, ўзбек матбуотининг отахон журнали “Муштум”нинг жасоратли бош муҳаррири ҳамда “Юрак бўронлари”, “Ўқ узган ким”, “Сенга кўнгул берсам”, “Дил гаёҳари”, “Танимадинг-а?”, “Конверт одам” каби ўнлаб насрий асарлар муаллифи сифатида халқимиз хурматини қозонган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашуралӣ Жўраевнинг рафиқаси, тажрибали тиш шифокори, эл хурматидаги хонадоннинг соҳибаси Назира опа Жўраева билан суҳбатимиз устоз журналист ва китобхонларнинг севимли адабининг ўзига хос фазилатлари, у киши билан кечаётган мазмунли умр йўллари, ҳаёт тажрибаси, ибратли турмуши ҳақида бўлди.

Ижтимоий ҳимоя: ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ЯРАТИЛАДИ

Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш қўламини ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 бараварга ошириб, кам таъминланган оилаларда нафақа олувчилар миқдори 5 баробарга кўнайди, ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги алоҳида норма сифатида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Бош қомусимизда давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини ошириш, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чоралар кўриши белгиланган.

Утган қисқа вақт давомида ушбу Конституциявий нормани ҳаётиямизга тўлақонли татбиқ этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар бошлаб юборилди. Хусусан, Президентимизнинг "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Хусусан, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилиш, ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш орқали аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасигача ташкил этиш, яшаш шароити оғир кечаётган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади.

Аҳолига индивидуал ёндашув асосида ижтимоий кўмак кўрсатишда сўнгги йилларда яратилган "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар"ларининг ўрни беқийс. Ўз навбатида, маҳаллаларда ташкил этилган ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари фаолияти ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш имконини беради.

Шу билан бирга, фармонда аҳолининг ижтимоий суғурта механизмлари билан қамраб олинишини кенгайтириш, яшаш шароити оғир оилаларни аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали уларнинг қийин ижтимоий аҳволга тушиб қолиши-



Музаффа АБДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

нинг олдини олиш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечириши учун қулай муҳит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Эндиликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ва 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар)ларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилади.

Ушбу марказлар ҳар бир хонадон аҳолини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва эҳтиёжларини текшириш натижасида уларнинг ижтимоий паспортларини шакллантириш ишларини амалга оширади.

Шунингдек, эҳтиёжманд аҳоли билан кейс-менежмент усулини қўллаган ҳолда самарали иш ташкил қилиш, улардан ижтимоий хизматлар ва ёрдам олиш бўйича буюртмалар қабул қилиш, заруратга қараб буюртмаларни масъул вазирилик ва идораларга буюриш, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилаларни мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамларни ташкил этиш ҳам марказнинг асосий вазибаларидан бири саналади.

Умуман олганда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг жорий этилиши фуқароларимизга зарурий ёрдам ва кўмакни ўз вақтида кўрсатиш орқали давлат бюджетининг ортқича сарфланишининг олдини олишга ҳамда бу орқали аҳолига кўпроқ манзилли ёрдам кўрсатиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, ислохотларни амалга оширишга қодир янги авлод кадрлари керак. Чунки улар билан эртанги тараққиёт учун мустаҳкам замин яратишга эришамиз. "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши томонидан "Замонавий кадрлар — янги Ўзбекистоннинг келажаги" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлод билан боғлиқ. Ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда намоён бўлади. Бу мамлакат ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билим олиши ва муносиб касб танлаши учун қулай шарт-шароит яратиши тақозо этади.

Кейинги йилларда республикада бу борада самарали сиёсат олиб бориляпти. Натижада иқти-

дорлилар сафи кенгайиб, барча соҳаларда йигит-қизларнинг фаоллиги кўзга ташланмоқда. Замонавий касб эгаси бўлиш бугун ҳар бир мактаб битирувчисининг орузи.

— *Уқшимиз, ўзимиз ёқтирган касбни танлашимиз учун барча имкониятлар яратилган. Бу, албатта, ташаббусга, изланишга бошлайди, —* дейди "Мард ўғлон" Давлат муқфоти соҳиби Исломбек Бектошев. — *Кейинги йилларда тендошларимизнинг дунё майдонига чиқаётгани,*



янги-янги ихтироларнинг муаллифига айланаётгани, ҳар бир соҳа ривожига сезиларли ҳиссаси борлиги қувонарли. Мен ҳам тиббиёт йўналишида изланишданман. Мақсадим — замонавий тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида халқимизга хизмат қилиш.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

"Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАЊБАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИЛМОҚДА



Президентимизнинг 2023 йил 10 апрелдаги "Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилояти филиали моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда қуёш панелларини харид қилиш лойиҳасига 500 миллион сўм маблағ ажратилди.

Лойиҳа доирасида "Chartak business class" масъулияти чекланган жамияти томонидан тиббий муассасага қуёш панелларини ўрнатиш ишлари қисқа фурсатда якунланди. Бу эса ҳафтасига 1000 кВт ва кунига 166 кВтдан ортқича электр энергиясини тежаш имконини бермоқда.

Бехзодбек САИДОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Юртимизда сўнгги йилларда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиб, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланди. Янгиланган Конституцияда ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланди. Бу, албатта, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий ислохот натижасидир. Маълумотларга қўра, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллион нафардан ортқича аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг нафар ёшлар кириб келаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу рақам 1 миллионга етиши кутилмоқда.

Ёшлар учун кенг имкониятлар очилмоқда



Жонибек АКБАРОВ,
"Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ
Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими
етакчи муҳандис технологи, партия фаоли

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунда белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида барча ташкилотларда ёшлар билан ишлаш борасида тизимли ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Хусусан, "Деҳқонобод калий заводи" АЖда фаолият юритаётган ёшларнинг маънавий-маърифий ва интеллектуал билим кўникмаларимизни янада ошириш мақсадида корхонада устоз-шогирд аňъаналари йўлга қўйилганлиги, мен каби барча ёшлар учун жуда катта имконият эшикларини очиб бермоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида "Кимёгар"лар касб байрами муносабати билан заводимизда ташкиллаштирилган уч авлод учрашувини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Унда корхонада ишлаб, ҳозирги кунда нафақа ёшида бўлган соҳанинг фахрий мутахассислари ҳамда корхонада фаолият олиб бораётган ёшлар билан очиқ давра суҳбати ташкил этилди. Учрашув мобайнида устозларимиз иш фаолиятлари давомида олган билим ва тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди.

Таъкидлаш керакки, уч авлод учрашуви касбимга бўлган муҳаббатимни янада кучайтириб, келгусида ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ва корхонамиз ривожланишига бор куч-ғайратим билан меҳнат қилишга туртки берди. Устоз ва шогирд аňъанасини узвий давом эттириш мақсадида соҳанинг етуқ фидойий вакиллари билан бир қанча илмий ва технологик янгиланишлар бўйича амалий ишлар олиб бориш тизимини йўлга қўйдик.

Натижада бугунги кунда "Деҳқонобод калий заводи" АЖ нинг қайта ишлаш мажмуасидаги технологик жараёнда қайта ишланган хом-ашё (силвинит руда) натижасида ажралиб чиқадиган галитли чиқинди (хвост) таркибидagi калий хлорид (КСЛ) миқдорини камайитириш бўйича устозларимиз билан биргаликда назарий ва амалий изланишлар олиб бормоқдамиз. Устозларимизнинг билим ва тажрибалари ҳамда тўғри йўналиш бераётганликлари гоъларимизни юзга чиқаришимизга туртки бўлмоқда. Амалга оширилиши кўзда тутилган иқтисодий самараси юқори бўлган технологик янгиланиш бўйича изланишлар келгусида ўзининг юқори натижасини беради. Изланишларимиз натижасида корхонамизнинг қўшимча фойда олиши учун замин яратамиз. Бундан ташқари, силвинит хом-ашёси таркибидagi калий хлорид (КСЛ)ни юқори самарадорлик билан бойитиш усулида ажратиб олинишига эришамиз.



ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР —

Инсон қадри, унинг ҳаётини манфаатларига хизмат қилади

Бундан бир неча йил муқаддам мамлакатимизда одамларни энг кўп ташвишга солаётган уй-жой масаласи бугун давлат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида белгиланган. Ўтган қисқа даврда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида соҳада салмоқли ишлар бажарилди.

Қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш борасида қатор тadbирлар амалга оширилиб, соҳада давлат бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилди. Натижада соҳада шаффоқликни таъминлаш борасида рақамлаштириш тизими жорий этилди. Лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг тизими ишга туширилди, давлат харидларини (тендерларни) электрон шаклда онлайн режимида амалга ошириш йўлга қўйилди.

Ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислохотлар туфайли аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашув, уй-жой, турли кино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва кўчалар, спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Масалан, биргина 2022 йил Инвестиция дастури бўйича 1 минг 868 та ижтимоий объектда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аҳолини арзон ва сифатли турар-жой билан таъминлаш дастурлари доирасида намунали кўп қаватли уйлар атрофида маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари ва бошқа масканлар барпо этилаётгани эътиборга молик.

Шиддат билан қад кўтарилган ижтимоий объектлар, кўп қаватли турар жойлар ва барча турдаги бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабни кучайтирмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинаётгани туфайли соҳада жиддий ўзгаришлар рўй бераётган.

Қурилиш ишлари ҳажмининг кейинги йилларда юқори ўсиш суръатига эга бўлишида ва яқинда ЯИМ кўрсаткичдаги уланишининг охирига мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар асосий таъин бўляпти. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар эса бунинг амалий мисолидир.

Аҳамиятлиси, бу ишлар шиддат билан давом эттирилиб, арзон уй-жойлар ва кўп қаватли уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш орқали аҳо-

лининг уй-жойи, маиший турмуш шароитларини яхшилашга эътибор қаратиляпти.

Ҳудудларда ҳам қурилиш ишлари кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилда 88 триллион сўмни, 2021 йилда 108 триллион сўмни ва 2022 йилда 131 триллион сўмни ташкил этган.

Айниқса, янги таҳрирда қабул қилинган “Шаҳарсозлик кодекси” соҳада бутунлай янги даврни бошлаб берди. Кодексга “ноёб ва алоҳида муҳим объектлар”, “реклама ва ахборот объектлари”, “турар жой объектлари”, “урбанизация” ва бошқа бир қатор асосий тушунчалар киритилди.

Мазкур Кодексда шаҳарсозлик фаолиятининг асосий принциплари аниқ қилиб белгилаб берилди. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги жамоатчилик назорати ва унинг шакллари, субъектлари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Буни қурилишда шаффоқликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш чоралари бўйича ислохотлар самараси десак, асло муболага эмас.

“Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони ҳам қурилиш соҳасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур Стратегияда 2025 йилга бориб Ўзбекистондаги шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш белгиланди. Бош режаларни тасдиқлашда жамоатчилик фикрининг инобатга олинishi белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилди ҳамда бу борада муайян натижаларга эришилди. Масалан, ўтган 6 йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича жами 1370 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, жум-



Дилшод ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ладан, 202 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режаси ва 1168 та қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинларининг бош режаси билан биргаликда батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида жами 1944 та маҳалланинг бош режа схемалари ишлаб чиқилди. Жорий йилда яна 225 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан, 11 та шаҳар ва 50 та шаҳарчалар бош режалари, 42 та ҳудудларнинг мастер режалари ҳамда 122 та қишлоқларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ўтган 6 йилда қурилиш соҳасига оид 537 та техник норматив ҳужжат ишлаб чиқилди ва эскилари янгиланди. Бундан ташқари, биналарнинг энергия самардорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид 10 та норматив ҳужжат Европа стандартлари асосида такомиллаштирилди.

Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида шаффоқ электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” маркази томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётини тўлиқ воз кечилди. Экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн топширилмоқда. Бугунга қадар жами 30 мингга яқин объект лойи-

ҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилди. Натижада, мазкур объектлар бўйича 7 триллион сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

Сўнгги олти йилда аҳолига муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида 360 мингга яқин ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб 326 мингга янги уйлар фойдаланишга топширилган. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга ошган.

Бунинг учун сўнгги уч йилда банклар 210 минг оилага 33 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратган. Эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фозис тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилингани натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Тадбиркорларга шариоит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафел, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та ҳудудда “Янги Ўзбекистон” массивлари янги қуриш дастури бошланди. Бу эса йиллар давомида ижара-ма-ижара, сарсон-саргардон юрган минг-минглар инсонлар қалбига ишонч туйғусини олиб кирди.

Хулоса қилиб айтганда, охириги олти йилда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди. Нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг барча гушаларида қурилиш ишлари амалга оширилди, замонавий иншоотлар қад ростлади. Натижада кўп йиллар ўз уйи бўлишини орзу қилиб юрган қанчадан-қанча оилалар уй-жойли бўлди.

ИЖАРАГА ВА ЛИЗИНГГА ОЛУВЧИЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда бугунги кунда мол-мулкни кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага олиш ёки мол-мулкни лизингга олиш, бу орқали мулкка эгаллик ҳуқуқини олиш ишлари фуқароларга, тadbиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда.

Шу билан биргаликда, таҳлилларга кўра, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ижара ва лизинг муносабатларида фирибгарлик жиноятлари сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу ҳолатлар фуқароларнинг молиявий ва маънавий зарар кўришига, уларда айрим компанияларга нисбатан ҳақли эътирозлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Олий суд маълумотларига кўра, автомобилларни ижарага беришдаги фирибгарлик жиноятлари натижасида фуқароларга етказилган зарар 2020 йилда 8,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 9 баравар ортиб 69,3 миллиард сўмга етган. Қолаверса, ушбу жиноят натижасида 16 805 та шахс жабр кўрган.

Шу сабабли ижара ва лизинг муносабатларида қонунийликни таъминлаш ва лизинг олувчиларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатини янада кучайтириш ҳамда улар билан содир этилаётган фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш мақсадида иккита қонунга, яъни “Ижара тўғрисида”ги ва “Лизинг тўғрисида”ги қонунларга қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Биринчидан, “Ижара тўғрисида”ги қонунда мулкни кейинчалик

сотиб олиш шарти билан ижарага бериш шартномасининг аниқ таърифи, шартномада кўрсатилган мол-мулкни тасарруф этиш ва гаровга қўйишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида моддада батафсил ёриштиб берилмоқда.

Шунингдек, ушбу моддада кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага бериш шартномаси тузилган пайтдан эътиборан шартномада кўрсатилган мол-мулк ижарага олувчи фойдасига қонун асосида вужудга келувчи гаровга қўйилган ҳисобланиши ҳамда ушбу мол-мулкни ижарага берувчи томонидан бошқа шахсларга гаровга бериш ёки уни бошқача тарзда тасарруф этиш тақиқланиши белгиланмоқда.

Иккинчидан, “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг шартномаси тузилган вақтдан эътиборан шартномада кўрсатилган мол-мулк лизинг олувчида гаровга олинган ҳисобланиши ҳамда бу ҳолатда алоҳида гаров шартномаси тузиш талаб этилмаслиги белгиланмоқда. Эндиликда лизинг берувчи лизинг олувчининг розилигини олмай туриб, лизинг объектини бошқача тарзда тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам қатъий белгиланмоқда.

Бундан ташқари, лизингга берилган мулкни ундирувга қаратили-



Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

шидаги муносабатларда ҳам лизинг олувчининг ҳуқуқлари кафолатланиши белгиланмоқда. Унга кўра, ундирувчи лизингга берилган мулкка қаратишдан олдин лизинг тўловининг қолган қисмини лизинг олувчи томонидан тўлиқ тўлаш орқали мулк қилиб олиши мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Бунда лизинг олувчида лизинг берувчининг қолган даврда оладиган даромадини чегириб ташлаган ҳолда бир йўла тўлов қилиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, бу каби қатъий нормалар

Россия, Қозғоғистон, Беларусь ва Германия каби давлатларнинг ижара ва лизингга оид қонунчилигида ҳам мавжуд.

Умуман, бу қонун нормалари қабул қилиниши ижара ва лизинг муносабатларида қонунийликни таъминлаш ижарага ва лизингга олувчилар билан содир этилаётган фирибгарлик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек, лизинг муносабатлари субъектлари ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқий бўлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Олтин Мамирова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



КўП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДА ТИББИЙ ПСИХОЛОГ ШТАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Сўнгги йилларда юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, аҳоли саломатлигини асраш учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори деярли тўрт баробарга оширилди. Натижада, аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва бепул етказиб бериладиган дори-дармон воситалари сони сезиларли равишда ошди.

Шунингдек, аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли психиатрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, руҳий ҳолат бузилишининг олдини олиш, таъхис қўйиш ва даволаш тизимини янада ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, бу борада кадрлар масаласида алоҳида эътибор қаратилиб, “психиатрия” йўналиши бўйича давлат грантлари асосида магистратурага қабул квоталари оширилди, олий тиббий таълим муассасаларининг психиатрия кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари фаоллашди. Илк бор руҳий хасталикларга таъхис қўйиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати тасдиқланди.

Президентимизнинг “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш, руҳий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга таъхис қўйиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш, соҳада самарали бошқарув тизимини жорий этиш, илм-фанни ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, аҳолига ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қарор билан 2023 йил 1 июлдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказига айлантирилди.

Ушбу марказда ихтисослаштирилган психиатрик, тиббий-психологик ва наркологик ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилиб, ушбу йўналишларда юқори технологик моддий база ва илмий мактаб шакллантирилади. Шунингдек, руҳий саломатликни таъминлаш йўналишидаги ишларни соғлиқни сақлашнинг барча даражаларида мувофиқлаштирилади ва назорат қилиди.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 августдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг туман (шаҳар) бўлинмалари штатларини қисқартириш ҳисобидан тиббий психолог, руҳий касалликлар шифохоналарида суицидолог, қабул бўлимларида шифофор, навбатчи психиатр, тиббий психолог ёки психотерапевт штатлари жорий этилади.

Ҳудудлар даражасида бундай тор соҳа мутахассисларининг жорий қилиниши эса, ўз навбатида руҳий ҳолат бузилишини тиббиётнинг бирламчи бўлинининг ўзида эрта аниқлаш ва даволаш чораларини кўриш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни клиник баҳолаш, даволаш ва кузатиб бориш бўйича кўникмаларини ривожлантириш ва билимларини ошириш имконини беради.

Шу билан биргаликда, қарор билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш, мураккаб ҳаётини вазиятларни энгилб ўтиш кўникмаларини шакллантириш, депрессия, хавотирли ҳолатлар ва суицидларнинг олдини олиш бўйича махсус ижтимоий-эмоционал ўқув соатларини (Social Emotional Learning, SEL) умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб дастуридаги мавжуд фанлар ва дарсдан ташқари жараёнлар доирасида йўлга қўйиш ҳам белгиланмоқда.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб тиббиёт ходимларини “психиатрия”, “суд психиатриyasi”, “тиббий психология” ва “наркология” йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатлари Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб “Психиатрия”, “Тиббий психология” ва “Наркология” клиник ординатура ва магистратура мутахассисликларига қабул фақат давлат гранти асосида умумий қабул параметрлари доирасида амалга оширилади ҳамда қабул кўрсаткичлари ушбу мутахассисликларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш асосида шакллантирилади.

Энг муҳим ўзгаришлардан яна бири, 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида фаолият юритаётган психиатр ҳамда психиатрия даволаш муассасаларида фаолият юритаётган психиатр, тиббий психолог, психотерапевт ҳамда суицидологларнинг лавозим маошига устама миқдори 25 фоиздан 50 фоизга оширилади.

Умуман олганда, қарорда белгиланган вазибаларнинг соҳа ва ҳаётимизга татбиқ этилиши, бугун жамиятимизда айрим ҳолатларда аҳолининг, айниқса, балоғат ёшидаги ёшлар билан рўй бераётган кўплаб салбий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Мавзуга қайтиб

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ҚОПЛАНДИ. АММО...

Гапнинг индаллосини айтганда, босма нашрлар, газеталар тахририятлари шикоятчилар, аризалар тахририятга хат ёзган фуқароларнинг муаммоларини давлат ҳуқуқий органларидагидек оқлаш, қоралаш, қозилқ хукмини чиқариш орқали бирданига ҳал қилиб бера олмайди. Зеро, улар зиммасида бундай ҳуқуқ ва имконият ҳам йўқ. Улар зиммасидаги масъулият шикоят ва аризаларни, хатларни журналистик суриштирув орқали газета саҳифаларида холислик билан, аниқ маълумотларга таянган ҳолда ёритишдан, муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш орқали муштарийларда фикр уйғотишдан, давлат ва жамоат ташкилотларининг эътиборини муаммолари масалаларни ҳал қилишга қаратишдан иборатдир.

Албатта, бу жараён ҳам осонликча кечмайди. Айниқса, шикоят хатлари, аризалар, журналистик суриштирувларида маълумотлар қанчалик аниқ, ҳолис ва ҳаққоний ёритилмасин, фактлар қонуний жиҳатдан исботлаб берилмасин, муаммолари масалаларни келтириб чиқарганлар ушбу ҳаққоний маълумотлар ва фактларни тан олдилари келмайди. Аксинча, ўзларининг ҳақ эканлиқларини исботлаш учун турли баҳоналар, ноқонуний асослар тўқиб чиқарадилар. Баъзан эса матбуот, газеталар саҳифаларидаги чиқишларни эътиборга олмаб, уларга тегишли жавоб йўлашни истамайдилар. Шу сабабли газеталарга йўлланган шикоятлар, аризалар, танқидий хатларни текшириш ва уларнинг ҳаққоний, холис жавобларини эълон қилиш, ҳақиқатни юзага чиқариш учун ойлар, йиллар талаб этилади. Шунга қарамай ҳалқимиз ўз муаммолари билан боғлиқ шикоятларини кўпроқ босма нашрларга, газеталарга юборишга интилади. Чунки улар газеталар тахририятларининг ҳар бир шикоят устида ҳаққоний, ҳолис ва очиқ-часига фикр юритишига, улардаги муаммоларни адолатли ҳал этишига, ҳақиқатнинг тантанаси қилинишига ишонидилар.

Албатта, бу жараён осон ва енгил кечмайди. Ҳар бир муаммонинг ечими учун журналистик суриштирувни амалга ошириш, масалани қонуний асосларини ўрганиш, ишнинг асл моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, ушбу муаммони ҳал қилиш ижтимоий ҳаётимиз учун қай даражада аҳамиятли эканлигини билиш талаб этилади. Баъзан шикоятлар, хатларда кўрсатилган муаммолар ечими топилса, баъзан якунига етмай, муаммоли масалалар тўла очилмай қолади. Бундай пайтда тахририятнинг суриштируви, шикоятчи билан ҳамкорликда ишлаши давом этади.

Келинг, шу ўринда сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун тахририятимизда "Бир шикоят изидан" рўқни остида амалга оширилган ва қилинаётган ишлардан бири хусусида фикрлашасан.

Тахририятимизга навбатдаги шикоят хатларидан бири 2021 йилнинг бошида келганди. Шикоят хати эгаси Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани, Полосон шаҳарчасидаги Ибн Сино кўчаси, 115-ўйда яшовчи "Elegant Expert Savdo" МЧЖ раҳбари Еркинжон Абдуллажонов эди. У шикоят хатида бундай деб ёзади:

"Хурматли тахририят ходимлари! Мен газетангизнинг ҳар бир сонини мухтазам қузатиб бораман. Газета саҳифаларидаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мақолаларни ўқиб, ниҳоят сизларга мурожаат этишга аҳд қилдим. Агар меннинг мурожаатимни эътиборсиз қолдирмасдан адолат қарор топилганда ёрдам қилсангиз, нафақат менинг, балки туманимиздаги ўнлаб хонадонларнинг қора қозони қайнашига ёрдам бераган бўлардимки..."

Биз Қирғизистон Республикасида рўйхатдан ўтган тадбиркор Курбанбеков Ажол Эсеналиевич билан 10.02.2020 йилда тузилган 10/2-сонли импорт шартномаси асосида жами нархи 50 148,34 АҚШ долларига тенг бўлган Қирғизистон Республикасида етиштирилган 104 тонна 905 килограмм олма маҳсулотларини олиб келдик. Ушбу маҳсулотлар қонуний равишда божхона пости орқали ўтган. Фаргона вилояти божхона бошқармасининг "Қирғули" ТИФ божхона постига мазкур маҳсулотларнинг божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун барча ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилган. Олма маҳсулотлари божхона ходими кўриб остида фото ва видео ёзувлар билан юк сақлаш оғирлигига туширилган. Бу ҳақда барча ҳужжатлар божхона маълумотлар базасида мавжуд. Қирғизистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан берилган KGUZ286104, KGUZ286095, KGUZ-286128-рақамли "СТ-1" шаклдаги келиб чиқиш сертификатларининг асл нусхалари тақдим этилган бўлса-да, божхона ходимлари томонидан ушбу сертификатлар шубҳали деб топилди, олма маҳсулотларига божхона божининг оширилган ставкаси қўлланилиб, жами 491 352 139 пул маб-

лағлари тўлаш талаб этилди. Аслида биз амалдаги қонун талабларига кўра, 74 437 138 сўм давлат божни тўлашимиз лозим эди. Божхона ходимлари эса биздан қонунга хилоф равишда ортиқча 417 352 139 сўм ундиришди. Тўғри, биз ўша пайтда бу маблағни тўлашдан бош тортишимиз мумкин эди. Унда оғирликда сақланаётган олма маҳсулотларининг сифати бузилди, маҳсулотдан ажралди қолар эдик. Бунга жуда яхши тушуниб турган божхоначилар бизга "Ҳозирча кўрсатилган суммани тўлаб тураверинлар, Қирғизистон томонига СТ-1 сертификати бўйича сўронома жўнатганмиз, агар барча ҳужжатлар тўғри бўлса, ортиқча тўланган пулларингизни ўша куннинг ўзида қайтариб оласизлар", дейишди. Уларнинг оғзаки сўзларига ишониб, қарз-қавола қилиб бўлса-да, улар юқоридаги маблағларни тўлаб, топширдик.

Хуллас, божхоначилар СТ-1 сертификатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида Қирғизистон Республикаси Божхона хизматида бир неча бор сўронома юборди. Сўрономаларга Қирғизистон Республикаси Божхона хизмати Баткен вилояти Қадамжой райони Қирғиз-Қиштак айыл-аймак раҳбарияти томонидан расмийлаштирилган 128, 129-сонли жавоб хатлари ва уларага илова қилинган олма мевааларининг айнан Қирғизистон Республикаси фуқароларидан сотиб олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам, СТ-1 сертификатлари Қирғизистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан берилганлигини тасдиқлаб ва ҳатто ушбу сертификатларнинг акт-экспертизаларини ҳам электрон почта орқали жўнатишди.

Шундан сўнг биз бир неча бор Фаргона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи номига ортиқча тўланган (ундирилган) пулларимизни қайтаришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Минг афсуслар бўлсинки, орадан ўн бир ой ўтаётган бўлса-да, пулларимизни қайтаришдан турли баҳоналар билан бош тортиб келишмоқда. Ҳозирги кунда Эрон Ислום Республикасида Қирғизистон Республикасига ўзбекистон орқали транзит бўлиб 14.2 минта тонна олма маҳсулоти ўтган, шу олма маҳсулотларини қандай реализация қилганлиги ҳақидаги сўроғимизга жавоб келмапти, деган вақт билан бизнинг ҳуқуқларимизни поймол қилиб келишмоқда...

Фаргона вилояти божхона бошқармаси айрим ходимларининг юқоридагидек ноқонуний ҳаракатлари натижасида корхонамизда ёлланма ишчи бўлиб ишлайдиган 40 нафар ишчилар 11 ойдирик ишсиз қолмоқда. Мана, нима учун тахририятга қора қозони қайнамай қолди, деб мурожаат қилаётимиз..."

Ушбу шикоят хати билан танишганимиздан кейин газетамизнинг 2021 йил 15-январь сонида "ТАХРИРСИЗ ХАТ" Рўқни остида "ТАДБИРКОР ЭДИК, АБГОР БЎЛДИК..." сарлавҳали мақола эълон қилдик. Мақоладаги муаммоли масалаларга муносабат билдириш ва уларни ҳал қилиш учун давлатнинг тегишли ташкилотларига жўнатдик. Орадан, кўп ўтмай ушбу мақола юзасидан Республикада Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари Ф.Шуқуровнинг имзоси билан жавоб хати олдик. Бу жавоб хатининг бир нусхаси шикоят эгаси Еркинжон Абдуллажоновга ҳам юборилган. Ушбу жавоб хатидан кейин тадбиркор Еркинжон Абдуллажонов тахририятимизга иккинчи шикоят хатини йўлади. Бу хатда шундай дейилди:

"Хурматли тахририят ходимлари! Мен аввал ҳам сизларга мурожаат қилган эдим. Мурожаатим асосида "АДОЛАТ" ГАЗЕТАСИНING 2021 йил, 15 январь 3-сонида "ТАДБИРКОР ЭДИК, АБГОР БЎЛДИК..." сарлавҳали мақола "Тахрирсиз хат" рўқни остида чоп этилди. Биз муаммомиз газета саҳифасида ёритилган экан, албатта, унга ечим топилди, деб ўйлагандик. Афсуски, адошган эканмиз. Адашганлигимиз сабабини айтай. Аризамиз газетанда чоп этилгандан сўнра олган жавобимиздан мулқлақ но-



розимиз. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун кўйида норозилигимиз сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари Ф.Шуқуровнинг жавоб хатида "...Қирғизистон Республикасида олиб келинган олма маҳсулотлари таҳлил қилингандан кейин божхона кўмитасининг маълумотлар базасига асосан Ўзбекистон Республикаси орқали Эрон Ислום Республикасида Қирғизистон Республикасига "транзит" режимида автотранспорт воситаларида олиб ўтилган олма маҳсулотларини кейинчалик Қирғизистон Республикаси корхоналари томонидан қайта Ўзбекистон Республикасига олиб кирилши ҳолатлари маълум бўлган", дейилади. Ваҳоланки, бизнинг корхонамиз томонидан мамлакатимизга олиб кирилган олма маҳсулотлари айнан Қирғизистон Республикасида етиштирилгани ҳақида Давлат божхона кўмитасининг Фаргона вилоят бошқармасига керакли ҳужжатларни тақдим этганмиз. Шунингдек, жавоб хатида келтирилган "...Маҳсулотлар эрон ҳарфларидаги ўрам ҳамда қадокларга жойлаштирилганлиги..." ҳақидаги маълумот бутунлай асоссиз. Чунки биз олма маҳсулотини мамлакатимизга олиб кирган пайтимизда Фаргона вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан текширув ўтказилган ва ушбу текширув жараёни тўлиқ видео тасвирга олинган. Биз тилга олган тасвирларда бирор олма қутисидан эрон ёзуви қайд этилмаган. Бу масала видео тасвирда тўлиқ аксини топган.

Иккинчидан, жавоб хатида "...Мазкур масалада ташкилот томонидан киритилган даъво аризаси Олий суд томонидан қаноатлантирилиши рад этилган", деган жумлани ўқиб, баттар ҳайратимиз ошди. Чунки биз бу масалада Фаргона туманлараро иқтисодий судига 2020 йилда мурожаат қилганмиз ва мурожаатимизга "...МЧЖнинг ортиқча ундирилган божхона тўловларини қайтариб бериш юзасидан судга киритилган даъво аризаси бўйича Фаргона туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 7 августдаги ҳал қилув қарорига мазкур ҳолат юзасидан халқаро сўрономада сўралган маълумотлар тақдим этилмаганига қадар ушбу олма маҳсулотларини Қирғизистон Республикасида етиштирилган деб ҳисоблаш учун қонуний асослар мавжуд эмас. Суд даъвогар томонидан жавобгарга нисбатан даъво барвақт тақдим этилган деб топилди, даъво ни қаноатлантириш рад этилган", мазмунда жавоб олдик. Эътибор беринг, ушбу расмий ҳужжатда бизнинг мурожаатимиз "барвақт тақдим этилгани учун" рад этилгани маълум қилинмоқда. Тахририятга ва менга берилган жавобда эса "...ташкилот томонидан киритилган даъво аризаси Олий

суд томонидан қаноатлантирилиши рад этилган", дейилмоқда. Энди ўзингиз ўйлаб кўриб, хулоса чиқаринг. Биз Олий судга мурожаат қилмаган бўлсак, Олий суд қандай қилиб бизнинг ташкилотимизнинг аслида йўқ даввосини "рад этиши мумкин?"

ТАДБИРКОР Э.АБДУЛЛАЖОНОВНИНГ БУ ШИКОЯТ ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2021 йил 19 март сонидан яна "ТАХРИРСИЗ ХАТ" Рўқни остида "Олий судда кўрилмаган иш... Олий судда РАД қилиниши мумкинми?!" сарлавҳали мақола тарзида чоп этилди. Тадбиркор бу гал ҳам ҳақ эди. Шикоятда масалани тўғри кўйган, Давлат божхона кўмитаси Фаргона вилоят бошқармасининг ўзи бошқармаётган масъулият чекланган жамиятга нисбатан асоссиз, нотўғри йўл тутганини исботлаб берганди. Афсуски, унинг ҳақиқига, исботланган ҳақиқатга Давлат божхона кўмитасида қулоқ солувчи ва жавоб берувчи, муаммони ҳал қилувчи топилмади.

Йиллаб оғирлашган, сарсонгарчиликлардан кейин "Elegant Expert Savdo" МЧЖ таъсисчиси Абдухалил Маматов Давлат божхона кўмитаси Фаргона вилоят бошқармаси томонидан ўзига тегишли МЧЖ ҳисобидан 417 миллион сўмдан ортиқ пул нотўғри ундирилганлиги хусусида 2022 йилнинг ёзида Фаргона вилоят иқтисодий судига мурожаат қилди. Мурожаат қондирилади. Бу хусусда Абдухалил Маматов "Муз жойидан силжиди" деб номланган, газетамизнинг 2022 йил 14 октябрь сонидан эълон қилинган миннатдорлик мактубида бундай деб ёзади:

"Хурматли тахририят ходимлари! ...Божхона ходимлари пулни қайтармаслик учун турли баҳоналар билан Қирғизистон Республикаси божхона кўмитасига ўнлаб сўро хатлари жўнатиб, суд ишлари йиллаб чўзилмошга сабабчи бўлишди. Ниҳоят, 2022 йил сентябрь ойида бизнинг мурожаатимиз Фаргона вилоят иқтисодий судининг апелляция инстанцияси суди раиси Алишер Мадамиев бошчилигида қонуний ва ҳалол кўрилади, даъво аризамиз қаноатлантирилди. Шу сабабли газета орқали масъулият чекланган жамиятимиз аъзолари номидан ўз ишларига ҳалол ва виждонан ёндашиб, йиллаб чўзилган муаммомизга қонуний ечим топгани учун Фаргона вилоят иқтисодий суди апелляция ҳайъатига миннатдорчилигини билдирамиз."

Биринчи бўлиб бизга "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси ёрдам қўлини чўзди. Тахририятда фаолият юрттаётган журналистлар бизнинг муаммомизга ҳолис ва ҳалол ёндашганлар босиб ишимизда олдинга силжиш юз берди. Халқ тили билан айтганда "муз жойидан силжиди". Биз судда ютиб чиқиб, корхонамиздан ноқонуний ундирилган 417 миллион сўмдан ортиқ божхона тўловларидан қайтариш билан ҳисоб рақамимизга қайтарилди. Жамоамиз номидан "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятга чин юракдан миннатдорлик билдирамиз..."

Ва ниҳоят бир шикоят жойдан бошланган муаммоли ишлар ҳайрлик тарзда ниҳоясига етди, ҳақ жойида қарор топди, тадбиркорга етказилган зарар қоплаб берилди, ҳақиқат тикланди, дейиш мумкин. Хўш, ҳақиқатда ҳам шундайми? Шикоят билан боғлиқ ҳамма масалалар ҳаққоний ҳал қилинганми? Келинг, масалага бошқарқор нукта назардан ёндашиб кўрайлик. Аввало, Фаргона вилоят иқтисодий суди 2022 йилнинг сентябрь ойида "Ўзбекистонлик ва қирғизистонлик тадбиркорлар ўртасида олма савдоси фаолиятида гайри қонуний ҳолатлар йўқ, шунинг учун "Elegant Expert Savdo" МЧЖга 417 миллион сўмдан ортиқ маблағи қайтариб берилсин" деб ҳукм чиқаргунча ва ҳукм ижрога қаратилгунча қадар кечган яна саккиз-тўққиз ой давом этган қайта судлашувлар жараёнида Фаргона вилоят божхона бошқармасидагилар бу оддий ҳақиқатни билишмасиди? Билишмасди, дейиш нодонлик бўларди. Чунки икки йилдан ошқ вақт мобайнида олиб борилган текширишлар натижасида гайриқонуний ҳолатлар аниқланмаган, бор ҳақиқат ойдинлашган эди. Фақат божхоначилар ўзларининг қилиб қўйган нотўғри ишларини хаспўшлаш, МЧЖдан олинган пулни қайтариб бермаслик мақсадида турли-туман текширишларни амалга оширган. Ваҳоланки, божхоначилар тадбиркорнинг маблағларини ўз вақтида қайтариб берганларида нафақат тадбиркор, халқ ҳам жамият ҳам, бундан наф қўрган бўларди.

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти

Адолат тарозиси

Фаргона шаҳрида яшовчи Батир Адамов ҳозир 31 ёшда. Тақдирнинг ҳукмини қарангки, унинг пешонасига ота-она меҳридан мосуволик ёзилган экан. Шу боис "Болалар мурувват уйи"да воғга етади.

"Болалар мурувват уйи"да тарбияланган даврида у Дмитрий Иванус билан дўст бўлади. Аммо орадан йиллар ўтгач, Дмитрий дўстликка хиёнат қилиб, уни жиддий ташвишга солиб қўяди.

"АЛИ"НИНГ ДЎППИСИ КИЙДИРИЛГАН "ВАЛИ"

ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНДИ

Фаррух АБДУРАИМОВ, Фаргона вилоят судининг судьяси

Гап шундаки, 2022 йилда Батир ўзига керакли маълумотномани олиш учун давлат хизматлари марказига боради. Аммо маълумотномани бериш асосида марказ масъул ходими унга қутулмаган "англик"ни, яъни 2016 йилда ўғирлик жинояти бўйича судланганлигини айтади.

Рости бу гапни эшитиб, эсанкираб қолади Батир. – Қанақасига? Ахир мен жиноятга қўл урмаганманку! – деб сўрайди бирор ўзига келгач.

– Билмадим. Мана, ички ишлар бошқармаси ахборот марказида шундай қайд этилган, – дея тушунтиради марказ ходими.

Хуллас, Б.Адамов оёқ-қўли бўшашиб, марказдан чиқади. Сўнгра ҳимоячиси билан бирга ишга киришади. Маълум бўлишича, аслида ахлоқ тузаги иши бўйича жазосини ўтаётган Дмитрий Иванус 2016 йилда ўғирликка қўл уради. Аниқроғи, 2016 йил 23 март куни соат 22.30 ларда Фаргона шаҳрининг Мустиқиллик кўчасидаги 116/31-уйнинг 4-қавати йўлагиде, темир панжарага қулфланган ҳолда турган, фуқаро Х.Шарипова тегишли нархи 650.000 сўмлик "Bluschke" русумли велосипеднинг қулфини бузиб, ўғирлаб кетади.



Орадан 2 ойча ўтгач – 2016 йил 30 май куни эса соат 23:45ларда шаҳарнинг Соҳибқирон Темур кўчаси 31-уй йўлагидан фуқаро З.Хусаиновнинг нархи 800.000 сўмлик велосипедини ўғирлаётган маҳали қўшниси Йўлқубов томонидан тўхтатиб қолинади ва ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазо ўташ мобайнида янги жинояти содир этгани галдаги жазони оғирлаштирувчи ҳолат эканлигини ўғри йигит яхши биларди. Бинобарин, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига ўзини Батир Адамов сифатида таништиради. Негаки, оғайниси ҳақидаги барча шахсий маълумотлар унга маълум эди. Фуқаролик паспортини йўқотганлигини айтиб, баҳона қилади. Оқибатда юқоридеги ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, барча ҳужжатлар Б.Адамов номига расмийлаштирилади.

Шундан кейин мазкур ўғирлик жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судида кўриб чиқилади. Суднинг 2016 йил 6 октябрдаги ҳукми билан "судланувчи" Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми ва 25169-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилди, кодекснинг 57, 59-моддалари тартибда 3 йил муддатга озодликдаи маҳрум қилинади.

Шу тариқа, "судланганлиги" аён бўлгач, Батир Адамов ўзининг айбисизлигини исботловчи далилларни илова қилган ҳолда Фаргона вилоят судига апелляция шикоятини беради.

– Мен 2011 йил 12 апрелда Россия Федерациясининг Москва шаҳрига кетиб, 2017 йил 20 май куни Ўзбекистон Республикасида қайтиб келганман. Шундай экан, қандай қилиб бу ерда ўғирлик қилган бўлишим мумкин? – дея кўрсатма берди Б.Адамов апелляция суди мажлисида.

Бундан ташқари, жиноят ишида мавжуд фотосуратлар ҳам ўғирликни содир этган шахс Батир Адамов эмас, айнан Дмитрий Иванус эканлигини тасдиқлади. Ҳаттоки, иш ҳужжатларида Б.Адамовнинг тилга олинган ўғирлик жиноятига алоқадорлигини кўрсатувчи далиллар ҳам мавжуд эмас.

Жиноят процессуал кодексининг 464-моддасига биноан, судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонари тарзда ўз тасдиғини топмасда, суд ушбу модда биринчи қисми 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлаши шарт. Кодекснинг 22-моддасида эса иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган. Лекин биринчи босқич суди Б.Адамовни айблов мазкур қонуний талабларга риоя қилмай ҳукм чиқарган. Ана шу асосларга таянган Фаргона вилоят суди жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судининг 2016 йил 6 октябрдаги ҳукмини бекор қилган ҳолда, Б.Адамовни айбсиз деб топди, оқлади. Шу билан бирга, оқланувчи ўзига етказилган мулкий, маънавий ва бошқа зиёни қоплаш юзасидан Жиноят процессуал кодексининг 304-313-моддалари тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Жиноят процессуал кодексининг 470-моддасида судланувчи содир этилган жиноятга дахлдор эмаслиги сабабли оқланган тақдирда, оқлов ҳукмининг қарор қисмида жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун иш прокурорга юборилиши қайд этилган. Бинобарин, жиноят иши Д.Ивануснинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун Фаргона вилоят прокуратурасига юборилди.

Хулоса ўрнида айтганда, айбсиз айбдор ёки "Али"нинг дўпписи кийдирилган "Вали" 7 йил деганда ноҳақ айбловдан халос бўлди. Энг муҳими, унинг кўни-қўни ва таниш-билишлари ўртасида ҳам юзи ёруғ бўлди. Адолат қарор топганидан ҳамма хурсанд бўлди. Фақат 2018 йилда қотиллик жиноятини содир этгани боис айни пайтда жазо ўтаётган Дмитрий Иванусдан ташқари.

ҲАММА БИР ХИЛ ТУШУНИШИ ВА ҚЎЛЛАШИ ЗАРУР

ёхуд ОАВга оид қонунларни ким шарҳлайди?

Журналистикада шарҳ жанр ҳисобланади ва у ахборий-таҳлилий мақомага эга. Бугунги мақолаимиз қонунчиликда қўлланиладиган шарҳ ҳақида. Унинг қандай мақоми бор? Тавсиями ёки маслаҳат даражасидами? Қонунчиликда доир шарҳлардан қимлар, нима мақсадда фойдаланилади?.. Китоб дўконларининг пештахтасида турадиган Жиноят процессуал кодексига шарҳларни кўрганимизда унинг дастлабки саҳифасидаги анонсга назар ташлаймиз: “хуқуқни муҳофаза қилушчи органлари, судьялар, адвокатлар, тадқиқотчилар... талабалар ва ...кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган”-лигига ҳавас қиламиз оддий журналист сифатида. Саналган саволларга китобни ёзган, фойдаланганлардан, жумладан, суд-хуқуқ тизими ходимларидан жавоб олиш мумкин. Бироқ мавзунимиз ОАВга тегишли қонунлар шарҳи ҳақида бўлганили боис диққатини шу томонга қаратамиз.

Ҳалим САЙДОВ,
филология фанлари доктори

ОАВга оид қонунлар шарҳланганими? Бу саволга “Шарҳлаш ҳаракат қилинган”, дея жавоб берасан тўғри бўлади. Журналист-хуқуқшунос Карим Бахриев бу ишга илк бора қўл урган. Унинг “Журналистларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситаларининг хуқуқий асослари” деб номланган рисоалари катта ҳажмдаги меҳнат маҳсули эканлигини таъкидлаш зарур.

Бироқ мазкур китоблардаги шарҳлар қонунларга ўзгаришлар киритишли муносабати билан бироз янгилашни талаб этади. Шу билан бирга улардан уч ҳокимият мақомилида фойдаланганлиги бўйича маълумотдан беҳабаримиз.

МИЛЛАТ РАВНАҚИ УЧУН КЕРАК
Жаҳонда ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда. Қудратли давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олишига беэбетларча ури-наётгани аҳолининг ақсар қисми аниқлаб етмайпти. Тирикчилик илми-жада билиб-билмай улардан бирини танлаётди. Бу танлов келгусида ўз юртининг ҳимоясига чиқишида монелик қилмайди, деб ким қафолат бера олади? Халқни ҳақиқий маърифатли, ватанпарвар бўлишни ўйлаган ҳокимият журналистика майдонини эркин қўйиши, журналистга имкон бериши керак.

Шу билан бирга шундай муҳит яратилиши зарурки, бирор фуқаро уч ҳокимиятнинг ёки бошқа ташқи ва ички зомин кучларини ноқонуний таъқиқига учраса, оммавий ахборот воситалари унинг учун доим мурожаат манбаи, таянчи бўлиб қолсин. Бу амалиёт ўз ҳокимиятда ишлайдиган бирор кадр ноҳақликка дучор бўлганда, унга нисбатан адолат бўзилганда, унинг арз қилар мазлиси ҳам энг яхши журналистлар ишлайдиган таҳририятлар бўлиб қолиши керак. Мазкур тадбир вужудга келиши мумкин бўлган қўллаб қорғаш ҳаракатларнинг олдини олади.

Бунинг учун жокуяр депутатлар, ижро ҳокимиятининг юртпарвар вакиллари, муҳтарам судьялар ҳамкорликда шундай тизимни яратилиши зарур. Мазкур ишнинг аввалида эса уч ҳокимият мутасаддилари тўртгичи ҳокимият вакиллари билан ҳамкорликда ОАВга оид ва тегишли қонунларни шарҳлашлари, миллатнинг раванқига, Ўзбекистоннинг ташқи дунёдаги образига бевосита ижобий таъсир қилади, энг асосийси, келажақда мавжуд ҳокимиятлар ва журналистлар муносабатларини тартибга солиб турадиган амалий қўлланма — шарҳлар тўплами яратилиши зарур.

НЕГА ШАРҲЛАР ТўПЛАМИ?
ОАВ давлат ва жамиятнинг барча соҳаларига доир ахборотлар тарқатади, таҳлил ва танқид қилади. Бунда турли соҳалар вакиллари, айниқса, раҳбарлар манфаатлари кесилишида, тўқнашди. Мисол тариқасида “Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасидаги “Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғриллигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғриллиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар”, дейилган бандга эътибор қаратамиз.

Авалло ахборот берувчи деган жумла шарҳга муҳтож. Тўғри, ахборот берувчи оддий шахс бўлса унинг бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ҳақидаги тасаввур ва тушунарчасидан, баъзи ҳолларда манфаатидан келиб чиқиб берган ахборотини журналист қайта текшириб кўриши шарт. Лекин ахборот масъул шахс томонидан тарқатилган бўлса, устга-устак давлат сири бўлиб чиқса “ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғриллиги учун қонун ҳужжат-



ҚОНУН БАНДЛАРИНИ БАРЧА БИРДЕК ҚЎЛЛАШИ ЗАРУР

Англашларидики, ҳар бир ташкилот қонун бандларини ўзича англайди ва қўллайди. Биз эса ҳамма тараф бир хил тушунадиган шарҳлар зарурати ҳақида фикр юритмоқдамиз.

Мазкур муҳим ишни, яъни шарҳни янгиланган Ўзбекистон Конституциясининг тегишли моддасидан бошлаш аниқ мудоа бўларди. Унинг “Оммавий ахборот воситалари” деб номланган XV бобида икки модда мавжуд.

“81-модда.
Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар.

Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотини излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган хуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлиги учун жавобгардир.”

Бонбинг иккинчи банди шарҳни талаб этади. Таъқиқнинг хуқуқий таснифи қанақа? Қайси ҳаракатлар таъқиққа қиради? Масалан, телефон орқали ўрқитишлар таъқиққа қирадимиз? Аниқлаб олдик ҳам дейлик. Навбатдаги саволлар: ОАВ эркинлиги ёки журналист фаолиятига таъқиқ бўлса, у ҳолда қайси ташкилотларга мурожаат қилиниши керак? Шикоятни қабул қилган ташкилот қандай амалларни бажариши шарт ёки бажармасе ОАВ таҳририяти раҳбари ёки журналист яна қандай йўл тутиши зарур? Мурожаатни қабул қилишдан бўйин товлаган мутасаддиларга қайси қонунга асосан қандай қоралар қўрилади?.. Бу каби саволларга шарҳларда жавоб бериш талаб этилади. Мазкур модданинг учинчи банди бўйича эса юқорида ҳоким иштирок этган мисол орқали фикримизни айтдик.

“82-модда.
Цэнсурага йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўқсинлик қилиш ёки ара-лашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.”

Бунда ҳам юқоридаги каби саволлар туғилади: ОАВ фаолиятига тўқсинлик бўлса, қайси қонунга асосан, қандай қоралар қўрилади? Бунинг учун қайси ташкилотларга мурожаат қилиш керак? Шикоятни қабул қилган идора масъули қандай амалларни бажариши шарт ёки бажаришдан бош тортса ОАВ яна қандай йўл тутиши мумкин? Мурожаатни қабул қилишдан бўйин товлаган мутасаддиларга қайси қонунга асосан қандай қоралар қўзда тутилган? Мазкур саволларга шарҳларда жавоб берилса, журналист ҳам, мутасадди ҳам, судьялар ҳам, оддий инсонлар ҳам ҳар бир ҳаракатини қонун доирасида амалга оширади, ахборот олиш осонлашади, жамиятдаги мавжуд муаммонинг бартафр этилишига эришилади.

Демак қонунларнинг бандлари омма-боп тарафда шарҳланганидан тўрт ҳокимиятга эмас, балки жамият ютади. Нафақат ОАВда, балки ижтимоий тармоқларда норозиликлар, ҳақоратлар камаяди, тайинли тақлиф ва ақли фикрлар кўпаяди. Шарҳдан жамият манфаат курси давлатнинг омураи ҳам ошиши, шубҳасиз.

ШАРҲЛАШ ЗАРУРАТИГА ЯНА БИР САБАБ

Журналист қўллайдиган сўз ва жумлалар шарҳлангани муҳимдир. Масалан, журналистикада фельетон жанри мавжуд. Мустамлаканинг янги қиёфага кираётганини ҳис қилган Абдулла Қодирий аламий кайфиятда ёзган ва қамалишига (1926 йил 8 мартда қамоққа олинган) сабаб бўлган “Ийғинди гаплар” фельетонида қўлланган сўзлардан бугун ҳам фойдаланиш мумкинми? Мазкур публицистик асарни ўқиган тадқиқотчилар бу мавзуда ҳеч нарса дейишмасе-да, унда қўлланган сўзларнинг ҳақорат ёки туҳмат эмас, балки ижодкорнинг нуқтаи назари эканлигини таъкидлайдилар. Бошқиси айбловчилардан бири И.Гозиев бу ҳақда матбуотда ҳам мақола ёзган. Унда жумладан шундай дейлади:

“Абдулла Қодирий Шўро ҳуқумати-га қарши қалам тебратиб, унинг омураи-ни тушириш ва Шўро ҳуқуматида ишчи-камбағал меҳнаткашлар фойдаси учун ишлаб турган зийлиларни Шўро ҳуқумати-га қарши қилиш мақсади билан “Муштум” журналининг 27 нчи сониде “Ийғинди гаплар” сарлавҳаси би-

дан ёзган бош мақоласида Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳуриятининг Марказий ижроқўм раиси ўртоқ Охунбоев ҳам Марказий Ижроқўм президи-уми аъзоси ўртоқ Икромфўларни масҳара ва кулги йўли билан сабабсиз ва қонунсиз танқид қилгон” (Гозиев И. Абдулла Қодирий “Жулқунбой”нинг жиноят иши // “Қи-зил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 16 май).

Қайси сўз ёки жумлалар масҳара ва кулги ҳисобланади? Инсон шаънини поймол қиладиган қандай гаплар хуқуқий малакаланади? Қолаверса, фельетон жанрининг ўзига хосликларини, жумладан, кино, юмор, сатира тили ва ҳоказо ҳар қандай танқидий усуллари судьялар, ижро ҳокими-яти, хусусан, кучишлатар тизимлар бир хил англаши ва қабул қилиши зарур эмасми? Бунинг учун ҳам, албатта, ҳаммабоб шарҳ талаб этилади.

ВАТАНПАРВАРЛИК КИФОЯ ЭМАС, УНГА МОДДИЙ АСОС МУҲИМДИР

АҚШ демократияси ривожига сезиларли туртки берган “Матбуотнинг ижтимоий масъулият назарисини”ни юзла олим ва мутахассислар катта лойиҳа доирасида ишлаб чиқишган. Албатта, улар Америка орузи билан тарбияланган ватанпарварлар эдилар, бироқ бу машаққатли меҳнат давлат томонидан моддий жиҳатдан муносаиб қўллаб-қув-ватланган.

Биз тақлиф этаётган лойиҳада жон-куяр журналистлар, медиа хуқуқидан боҳабар олимлар, тажрибали хуқуқ-шунослар, қораловчилар, адвокатлар, халқаро экспертлар ва албатта, адолат-парвар судьялар.. барча тизим вакил-лари иштирок этиши, лойиҳа тайёрлан-гач эса унинг кенг муҳокамаси ташкил этилиши зарур. Лойиҳанинг Олий Маж-лис томонидан қўллаб-қувватланиши, жумладан, молиялаштирилиши ҳам аниқ мудоа бўлади. Зеро, бу даргоҳ халқ ва юрт манфаати учун қонунлар қабул қиладиган ифтиҳомдир.

“ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ”МИ?

Бандасининг табиати шундайки, у до-имий назоратни талаб этади. У хоҳ жур-налист, хоҳ хуқуқ посбони бўлсин ол-ган тарбияси, тор дунёқараши сабаб ўз “маслаги” йўлида вайжондан кечиши мумкин. Бундай пайтда қонунлар, ахлоқ қондалари ўз ўрнини сездириб, уларни тизгинлаб туриши зарур. Қўйиб берсан-гиз ҳатто олимлар ҳам разиликларини эзгу мақсадга йўядилар. Бири орийлар-роғсини ўтказиш учун фашизмни ўй-лаб топди, ўзга давлатларга урушлар очди, миллионлаб инсонлар қирилиб кетди; коммунизм ғоясини амалга оши-риш учун унинг “ижодкорлари” ўзгача фикрлайдиганларни қамоқларда чи-рипти, жисман йўқ қилди. Мустақил-лигимизнинг дастлабки 25 йилида ву-жудга келган адолатсизликларга мил-лий хавфсизликни рўқач қилиб шахсий манфаатини ўйлаган, бу ҳаракати бил-лан тараққиёт филдиранини тўхтатган идора мутасаддиларини Ўзбекистон Пре-зиденти Ш.Мирзиёев Сурхондарё вило-яти хавфсизликни рўқач қилиб танқид қил-ганди: “Миллий хавфсизликдагилар Сур-хондарёни ўлдирган. Икки-уч сотқин, давлат сотқинлари ишлаган. Булар Сур-хондарёни от ўйин қилиб ташлаган”.

16 йиллик қамоққа ҳўкм этилган со-биқ МХХнинг собиқ терговчиси Сур-хондарё вилоятидаги фаолияти даво-мида шериклари билан нафақат маҳал-ли, балки хорижий тадбиркорларнинг бизнесини тортиб олиш, фуқароларга нисбатан зуравонлик қилиш, наркотик савдоларини ташкил этиш каби жино-ятларга алоқадор бўлган. Бу нафақат инсон хуқуқларининг поймол этили-шини, балки Сурхондарё вилоятининг иқтисодий таназзулини, ҳокимиятга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ва жа-миятда ахборот манбаига масъул ҳисоб-ланган ташкилот мутасаддилари ҳам, ахборотларни тарқатиш, таҳлил қилиш масъулиятини зиммасига олган ОАВ ва журналистлар ҳам қонунлар шарҳла-рига муҳтож. Қонунларнинг шарҳлан-магани, айниқса, журналистларнинг фа-олиятида хавфларни кўпайтиради.

Ёзилган тақлифларимиз бир орзу хо-лос! Орзуга айб йўқ, дейдилар. Қолаверса, жаннатдан қувилган Одам қавмининг осмону фалакка парвоз қилиши ОРЗУдан бошлангани ҳам ФАКТ! Нима дедингиз?

Янгилик

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси профес-сори, иқтисодиёт фанлари доктори Баҳодир Ҳасанов ҳамда Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат уни-верситети доценти (PhD) Каржаубай Нурманов-нинг “Methodological issues of strategic management accounting and analysis”, “Кластерлар ва фермер хў-жаликлариде стратегик бошқарув ҳисоби ва таҳ-лилининг методологик масалалари” ва “Аўыл хо-жалыгы қарханаларында стратегиялык басқаруў есабы хэм анализни жетилистрирў” номли моногра-фиялари инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди.

ЖАҲОН ИЛМ АҲЛИГА ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ТУҲФАСИ

Низомжон ҲАЖИМУРАТОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори (D.Sc.), профессор



Ушбу монография Буюк Британиянинг “GlobeEdit” нашриёти томонидан жаҳоннинг энг кўп тарқалган 7 та тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Жуғрофий қамровига кўра фақат МДХ давлатларида бу монографияни 200 миллион нафардан ортқ аҳоли томонидан ўқилаётгани қувонарлидир.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги қорхоналарида стратегик бош-қарув ҳисоби ҳамда таҳлилининг назарий-услубий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

- Мазкур монографиянинг илмий янгилиги шундаки:
 - стратегик бошқарув ҳисоби мақсадлари учун махсуслот таннархини калькуляция қилишининг халқаро усуллари тас-нифланган ва интерпретация босқичлари ишлаб чиқилган;
 - стратегик таҳлилда фаолиятнинг ривожини ва тараққи-ётининг мезонлари ҳамда молиявий натижаларга дахлдор кўр-саткичлар тизими ишлаб чиқилган;
 - стратегик режалаштириш ва ҳисоб юритиш жараёнида паст нархлар ёрдамида воситачиларга берилган чегири-ларни бекор қилиш асосида биржа ва фирма савдо шохобча-ларини ривожлантириш орқали нархлар барқарорлигини таъ-минлашининг мақсадага мувофиқлиги асосланган;
 - товар айланишининг ҳаётий цикли асосида тайёр маҳсу-лот ҳажмининг ўсиши, бозорнинг тўйунчанлик даражаси, со-тувларининг пасайиши босқичларида молиявий натижаларни бозор ва биржа нархлари бўйича аниқлаш тақлиф этилган.

Шу билан бирга, шолчилик фермер хўжаликлариде соф фойданинг ўсишига махсуслотнинг ҳаётий цикли, соф тушум, хусусий капитал ҳамда мажбуриятлар омилилари таъсирининг 2025 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Халқаро амалиётни таҳлил қилганимизда, «Procter & Gamble» компаниясининг доимий паст нархлар стратегияси усули эътиборга молиқдир. Компанияда қабул қилинган нарх сиебатига биноан ўрнатилган фойда ставкаси адолатли нарх белгилашга иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади.

«Procter & Gamble» компанияси янги «ҳар кунги паст нархлар» стратегиясини шакллантириш жараёнида сотувни рағбатлантириш сиебатидан воз кечиб, ўз махсуслотларига до-имий бир хил нархни белгилаш стратегиясини амалга ошир-моқда.

Аваллари компания томонидан фойдаланиб келинган ҳар қандай нарх чегирмалари ва воситачиларни рағбатлантириш усуллари бекор қилинган.

Амалиётнинг кўрсатишича, ишлаб чиқарувчилар томони-дан воситачиларга чакана нархларни пасайтириш шарти билан турли чегирмалар ва рағбатлантириш усуллари тақлиф этил-ган. Натияжада воситачилар махсуслотнинг асосий қисмини паст нархларда сотиб олиб, қўшимча фойдага эга бўладилар. Оқи-батда ишлаб чиқарувчи ва воситачиларнинг мавсумий вақт ора-лиғидаги юқори фойда даражасига эришиш мақсади истеъмол-чиларнинг зиммасига асосланган юқори нарх кўринишида тушади.

Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, харажатларни страте-гик бошқариш жараёнида хилма-хил тамойиллар, тизимлар ва усуллари интеграция қилиш ҳамда оптималлаштириш зару-рати туғилади. Илмий ишда махсуслот таннархини калькуляция қилишининг халқаро усуллари таснифланган ва уларни амалга ошириш босқичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида шолчилик хўжаликларининг соф фойда-сига таъсир этувчи омилларни қийматликлар занжири концеп-цияси талаблари асосида истиқболда ўсиш динамикаси про-гноз қилинган. Мазкур усул асосида стратегик таҳлилининг тарки-бий қисмлари таснифланган.

Шолчилик хўжаликларини кластерларда стратегик бош-қарув таҳлили жараёнида молиявий натижаларга таъсир этувчи омиллар 2025 йилгача бўлган даврга эконометрик мо-деллаштирилган ва прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ишлаб чиқариш дастури бажарилишига таъсир этувчи омиллар, махсуслот ишлаб чиқа-риш ва сотиш ҳажмининг стратегик таҳлили усуллари тавсия этилган.

Мазкур монографик тадқиқот натижаларининг амалий аҳа-мияти ишлаб чиқилган тақлифлар ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисоби ҳамда таҳлилининг халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида инновацион ҳамда инвестициявий бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Аҳамиятисини шундаки, ушбу монографияни чоп этган “GlobeEdit” нашриёти махсуслотларини халқаро матбаа бозо-рида 80 мингта китоб савдо шохобчаси ҳамда 3 мингдан ортқ интернет-дўконларидан харид қилиш имконияти мавжуд.

Бугунги кунда мазкур нашриёт томонидан чоп этилган мо-нография хариди бўйича 30 фоизлик чегирма ҳам тақлиф қи-линганлиги мамлакатимиз олимлари томонидан тайёрланган илмий асарларга жаҳон илм аҳли ҳам қизиқиш билдираётган-лигини кўрсатмоқда.

Кашта сабад топилган бахт

1 - Назира опа, бугун ҳаётингиз фаровон, оилангиз тинч, орзу қилгулик хонадон соҳибасиз. Умр эса тезоқар дарё мисоли шиддат билан ўтиб бормоқда. Бир пайтлар қишлоқнинг чанг кўчаларида жамалак тақиб, югуриб юрган қизалоқ улуглик ёшида шундай оиласи бўлишини орзу қилганми?

— Худойимга, етказган кунларига шукур. Мен оилада 10 нафар фарзанднинг тўнғичи, боболарим ва буви-ларимнинг, ота-онамнинг эркакот қизи бўлганман. Ҳамиша қалбида ўз сирли, сеҳрли дунёси, орзу-ҳаваслари билан яшайдиган, мактабда ўқиётганимдәк ҳамшира бўлиш орзусидига киз эдим. Бундан ташқари, ўзимгагина аён қизиқшиларим бор эди, тикиш-бичиш, айниқса, кашта, йўрма тикишга жуда қизиққанман. 3-4-синфда ўқиб юрганимда тикан кашталарим кўни-кўшнлар ва синфдошларимнинг назарига тушган. Биринчи ўқитувчим Норбиби Аҳмедованинг илк кашталаримни тенгдошларимга намуна қилиб кўрсатгани ҳануз кўз ўнгимда турибди, эсласам, ўша пайтдаги каби қувонаман. Тўнғич фарзанд бўлганим сабабли оиладаги масъулиятни ҳис қилардим.

Бир кун қишлоғимизда тўйдаги даврада ўтирган оқсоқоллардан бири отамга: "Уста Ҳалим, эшитганимизча, қизингиз чиройли кашталар тикаётган экан. Энди уста дурадгорнинг қизи ҳам хунарманд бўлса яхши-да, омадини берсин, бахтли бўлсин", деб дуо қилган эканлар. Тасо-дифни қарангки, ўша даврада тўйга бобоси билан меҳмон бўлиб келган, бўлажак турмуш ўртоғим Ашурали Жўраев ҳам бор экану, мен унинг эътиборини тортган эканман. Назаримда бахтимизни топишга ўша кашта сабаб бўлган.

— Демак, у киши билан бир қишлоқнинг фарзандлари экансизлар-да?

— Ҳатто синфдошим ҳам. Турмуш ўртоғим ҳам 10 нафар фарзанднинг тўнғичи бўлганлар. У 4-синфдан бизга қўшилган. Ёшлигидан тиришқоқ, қувноқ, аълочи, ҳамма билан тил топиша оладиган фаол ўқувчи эди. Ўша пайтлардан унда адабиётга бўлган қизиқиш юқори эди. Мактабдаги тадбирларда фаол иштирок этарди. Илк машқлари мактаб деворий газетасида эълон қилинган. Адабиёт муаллимимиз раҳматлик Аҳмад Очилов унинг ёзганларини бизларга ўқиб бериб, мақтардилар. 7-8 синфда унинг илк мақолалари Навоий туманининг ўша пайтдаги "Коммунизм учун" (ҳозирги "Кармана овози") газетасида чоп этила бошланди. Нокамтарлик бўлса ҳам айтиш керакки, мақолаларида менинг ҳам исм-фамилиям бўларди. Гоҳ "илғор теримчилар", гоҳ "аълочи ўқувчилар" қатори тилга олинардим. Шу ўринда яна бир гап: Ашурали Жўраев онаси ботоблиги сабабли олти ойлик чақалоқлигидан токи ўн беш ёшгача бобоси мулла Жўра ва Турдигул бувиси қўлида тарбияланган. Боболари Бухоро мадрасасида таълим олган билимдон инсон бўлган. У киши доим "Мен бобом ва бувимнинг тарбия академиясини тамомлаганман", деб фахрланиб юрадilar. Шу боис тарбияга жуда жиддий эътибор берадилар. Инсоннинг моҳияти, аслияти тарбияда намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар ва фахр билан: "Эришган барча ютуқларим бобом ва бувимнинг тарбияси туфайли", дейдилар.

— Назира опа, Кармана туманининг Жалойир қишлоғидан Тошкентга кўчиб келишларингизга нима сабаб бўлган? Турмуш ўртоғингиз аввало, "Ташсеълаш" заводига чилангар, билим юртингиз кечки бўлимида тарбиячи, ўқитувчи бўлиб фаолият юритган эканлар, тўғрими?

— Талабалик йилларида, яъни 1975 йилда камтарона тўйимиз бўлган. Иккаламизнинг ҳам талабалигимиз ҳисобга олинганми ёки шароит шундаймики, ишқилиб, тўйимиз кичик ва оддийгина ўтган. Ўша пайтларда бу киши Тошкент Давлат маданият (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтида, мен эса Тошкент давлат медицина институтида (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да ўқирдим. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаганимиз. Ўқиниши битарганимиздан сўнг турмуш ўр-

тоғим Тошкентда қолиб, ижод қилишни хоҳладилар. Ёш оила бўлганимиз, ҳеч кимдан моддий ёрдам олганимиз учун иқтисодий қийинчиликлар бўлган, албатта. Бахтли ёки ибратли оила ҳеч қачон ўз-ўзидан барпо бўлмайди. Ўша пайтларда ҳатто каламушлар исканжасидаги "барак" типидagi уйда ҳам ҳаётдан розилик ва аҳиллик билан яшаганимиз. Ижарама-ижара қийналиб юрганимизда, бизга турмуш ўртоғим ишлаётган Тошкент технология билим юртидан 1929 йилда Сибирдан сургун қилинган қўлоқлар учун қурилган "барак"дан бир хонали уй беришганида роса қувонганимиз. Бу "барак" Тошкент 2-ун заводининг шундоқ ёнида эди. Маълумки, бугунги ва у каламушларнинг энг сеvimли емиши. Шу боис хонадонимизга тез-тез каламушлар галаси ҳужум қилиб турарди. Улар кечаси полни гажиб, тешиб чиқар, баъзида ўзимизга ҳам ҳужум қилиб қоларди. Бир гал ярим тунда 1 ёшу 3 ойлик фарзандимизнинг чинқираб йиғлашидан уй-ғониб кетдик. Чироқни ёқиб қарасак, не кўз билан кўрайликки, унинг тўшақлари қон, бармоғини каламуш гажийётган экан. Болагинамни 30 кун шифохонага қатнаб даволатганимиз. Ана шундай азобларни ҳам бошдан кечирдик. Бундай ҳаётги воқеалар ҳикоятга айланиб, ёзувчининг қатор асарларида акс этган. Бугун воқеалар ёшлар учун эртас бўлиб туюлади.

Аммо булар — ҳаётимизда рўй берган ҳақиқатлар. Бугун у кунлар хотирага айланган. Шуқрки, ҳаётимиздан нолимаймиз. Меҳр-оқибатли, аҳил оиламиз бор. Турмуш ўртоғим барча қариндошлари ва ақилларининг ташвишини зиммаларига олганлар, яхши-ёмон кунларида ҳамдард бўладилар. Иккаламизнинг ҳам ака-укаларимиз Жалойирда яшагани учун 50 йилдан буён Жалойирдан меҳр ришталарини узганимиз йўқ. Ҳар сафар йўлга чиқганимизда ёзувчи "Биз овера, вокзал овера, поезд овера", деб ҳазиллашиб қўядилар. Шу ўринда яна эътироф этишни истаримки, Ашурали Жўраевнинг "Жалойирга мактублар" ҳужжатли қиссаси анча машҳур бўлиб кетган. Жалойирлик-



лар бу асарни меҳр билан ўқиганларига гувоҳ бўлганман.

— Назира опа, энди ёзувчининг айни ижодга шўнғиган навқирон пайтлари ҳақида суҳбатлашсак. У вақтлар саноқли матбуот нашрлари бўлиб, улларда ўз касбининг фидойилари ишлаган. Чунки бугунгидай замонавий технологиялар бўлмаган, шароит оғир эди. Баъзида редакцияда қолиб, кечалари туяни тоғига улаб ишлагга тўғри келган. Шундай пайтларда кўнглингизга шубҳа оралаганми? Ҳар ҳолда сиз тиз шифокорисиз, иш вақтларингиз анжқ белгиланган, журналист-ники эса аксинча.

— Тўғриси айтиш керак, барча қатори бизнинг оиламизда ҳам баъзида, ҳаттоки кўпчилик ҳолатларда тушунмовчилик, эр-хотиннинг "айтишувлари" бўлиб турар эди. Ҳатто рашк ҳам... Тўғрироғи, жуда рашкчи эдим. Бу табиий ҳол... Вақт ўтиб, ёши-

миз улғайгач бир-биримизга ишончимиз мустақамла борди. Шу мустақам ишонч оиламизни нурли манзиллар сари олиб кетаётир. Ишончда ҳикмат кўп экан.

— Умуман ижод аҳлини тушуниш, у билан бахтли бўлиш учун унга ҳаммас бўлиш шарт эмас, назаримда.

— Ҳа, ҳар бир ижодкорнинг ўз дунёси, ёзиш услуби бўлади. Бу ижод оламига кириб бўлмас ҳам умр йўлдошини ҳурмат қилган аёл уни тушуниш ва билишга интилади. Турмуш ўртоғини қизиқтирган мавзулар билан қизиқади, тушунчага эга бўлишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга ўзи ижодкор бўлмас ҳам турмуш ўртоғининг ижод қилишига ҳалақит бермайди. Яъни, бўлар-бўлмас талаблар билан чалғитмайди, бориға шукр, йўғига сабр қилади. Бехуда сўровлар, терговлар, талаблар журналистнинг қаламини, ҳатто рўқини синдириши мумкин. Бу аслида оддий аёллик вазифасига киради. Буларга амал қилиш ёшлик чоғида қийин бўлиши мумкин, чунки шайтон васваса солади, рашк уйғонади. Аммо сабрнинг таби сариқ олтин. Ҳозирги кунда аниқ айта оламаники, ижодкорнинг аёли бўлиш — мен учун бахт.

— Назира опа, оила аёлнинг жамият ишида фаол бўлиши осон кечмакдими, қачонки умр йўлдоши кўмаклашмаса, тўғрими?

— У киши бундай ҳолатларни ҳар доим тўғри тушунишга ҳаракат қилганлар. Мен ишдан кеч қолиб, у киши эртароқ келиб қолсалар, баъзи эрларга ўхшаб, хотинини сўроққа тутиб, жанжал қилиш ўрнига болалари учун бирон ширин таом тайёрлаб қўядилар. Улар таом тайёрласалар, дам оладилар, овқат қилишга иштакаси эмас, иштиёқлари баланд. Уйда бўлган пайтларида ҳар хил мазали овқатлар пишириб турадилар. Айниқса, палов, шўрва ва димламани бошлайдилар. Дадасининг қўли ширин бўлганлиги учун болалар, ҳозир эса набиралар бобоси пиширган овқатларни талашиб-тортишиб ёйдилар. Баъзан қизларимиз ота уйига меҳмон тағиб келганла-

— Оиладаги эркак киши бажариши лозим бўлган ишларнинг ҳаммаси уларнинг зиммасида. Биринчидан, ҳаммиша бозор-ўчарни ўзлари қилади. Мен ҳафсапа билан бозор рўйхатини тузаман, у киши эса шараф билан ижро этади. Бундан ташқари, кўп



иш топганлар. Матбуот соҳасидаги иш фаолиятини 1983 йил "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бошлаганлар. Бу тахририят ёш ижодкорнинг танилишида шарафли вазифани бажарган. Ўша пайтда газета тахририятида ишлаган Одил Ёқубов, Иброҳим Гофуров, Маматқул Ҳазратқулов сингари устозларидан жуда миннатдор бўлиб, номларини ҳурмат билан тилга оладилар. Албатта, отадек меҳрибон бўлиб қолган устозлари Неъмат Аминовнинг ўрнига "Муштум" журналига бош муҳаррир бўлиб келганларида ишга катта масъулият билан ёндашдилар. Ҳатто "Муштум" журналига илова қилиб "Афанди" газетасини ташкил этдилар. Газета ҳам тез орада ўз қувчиларини топди, кулги мухлисларига манзур бўлди. Ашурали Жўраев тинмай меҳнат қилар, кеча-кундуз ижоддан бош қўтармас эдилар. Мен тахририят ишларини билмасам-да, ўша даврда мавжуд бўлган "цензура"нинг фаолиятдан ва ноҳақликлардан асабийлашавериб, соғлиқларини йўқотганларини яхши биламан...

— Ашурали Жўраев ижоддан ташқари яна нималарга қизиқади-лар?

— Оиладаги эркак киши бажариши лозим бўлган ишларнинг ҳаммаси уларнинг зиммасида. Биринчидан, ҳаммиша бозор-ўчарни ўзлари қилади. Мен ҳафсапа билан бозор рўйхатини тузаман, у киши эса шараф билан ижро этади. Бундан ташқари, кўп

— Ижодкор халқининг кўнгли нокик бўлади, баъзида бир сўзга кўнгли тоғдек кўтариллади, баъзида арзимаган бир гапдан дили оғрийд. Шундай пайтларда қандай йўл туғасиз?

— Буни ҳаёт дейдилар, турмушнинг ҳам ўзига хос ва қутилмаган катта-кичи ташвишлари бўлади. Гоҳо у киши, гоҳида мен "жаҳл отини" тезроқ жиловлашга ҳаракат қиламан. Энг муҳими, тезда "сулҳ" тузишга эришамиз. Бундай жараёнлар баҳор ёмғирдек тез ўтиб кетади.

— Ижодкор одамнинг дўстлари билан бирга душманлари, кўролмай-диган кимсалар ҳам кўп бўлар экан. Бундай ғаламислар у кишининг ҳаёт ва ижод йўлида етарича учраган. Лекин ёзувчи бундайлар билан баҳслашиш, тортишувларга эътибор қилмай, ижодни давом эттирганлар. У киши ҳозир ҳам шундай. Ғийбат ва майда-чуйда миш-мишлардан юқори. Кўпинча: "Мен кенглик таррафдориман, Жалойир қишлоғининг Зарафшон оқиб ўтадиган бепоён Дайровотиданман", деб ҳазиллашиб кетавердилар. Баъзан яқинлари ёки шогирдларидан кўнглисиз гап эшитсалар, бироз хафа бўладилар. Лекин бу хафагарчилик узоқ чўзилмайди. У киши кечиримли инсон. Ҳар қандай кўнглисизликни тез унутиб, кечириб юборадилар. Шунингдек, ўзгалар ютуғидан қувонадилар. Янги китоби, газета ёки журналда ҳикоя ва мақолалари чоп этилса, қувониб юрадilar. Бирор бир ҳамкасбининг яхши китобини ўқиса, сеvimлиб, бошқаларга ҳам тавсия қиладилар. Ноҳақликка чидамайди. Содда ва тўғриси ҳақиқатни тўғри гапнинг гадоси. Хушомад қилишни ёмон кўрадilar...

— Шу ўринда яна бир савол: ёзувчининг ёзган асари ёки мақоласи қанчаликка учрагани туфайли азобланган ҳолатларига гувоҳ бўлгансизми?

— Қай бирини айтиш... Айрим танқидий мақолалари чоп этилганда таъна-дашномларга, ҳатто айрим "катта" раҳбарларнинг дўқ-пўнисларига, таъкидларига учраганлари рост. Эҳ, у замонларни эслашнинг хоҳламайман. Лекин у киши ўз танлаган йўли ва эътиқодидан асло воз кечмадилар, шуниси муҳим! Ҳамон шу йўлдалар...

— Устоз кўпроқ нималардан ранжиди, кўнгли тўпмайди?

— Ижодкор одамнинг дўстлари билан бирга душманлари, кўролмай-диган кимсалар ҳам кўп бўлар экан. Бундай ғаламислар у кишининг ҳаёт ва ижод йўлида етарича учраган. Лекин ёзувчи бундайлар билан баҳслашиш, тортишувларга эътибор қилмай, ижодни давом эттирганлар. У киши ҳозир ҳам шундай. Ғийбат ва майда-чуйда миш-мишлардан юқори. Кўпинча: "Мен кенглик таррафдориман, Жалойир қишлоғининг Зарафшон оқиб ўтадиган бепоён Дайровотиданман", деб ҳазиллашиб кетавердилар. Баъзан яқинлари ёки шогирдларидан кўнглисиз гап эшитсалар, бироз хафа бўладилар. Лекин бу хафагарчилик узоқ чўзилмайди. У киши кечиримли инсон. Ҳар қандай кўнглисизликни тез унутиб, кечириб юборадилар. Шунингдек, ўзгалар ютуғидан қувонадилар. Янги китоби, газета ёки журналда ҳикоя ва мақолалари чоп этилса, қувониб юрадilar. Бирор бир ҳамкасбининг яхши китобини ўқиса, сеvimлиб, бошқаларга ҳам тавсия қиладилар. Ноҳақликка чидамайди. Содда ва тўғриси ҳақиқатни тўғри гапнинг гадоси. Хушомад қилишни ёмон кўрадilar...

— Устознинг ҳаётда бирон хислати, дейлик соддалиги, кўнгли бўлиши туфайли панд еган, афсусланган, яхшилик қилиб, жабрини тортган вақтлари бўлганми?

— Бўлган. Ҳатто кў-ўп ва хў-ўп бўлган. Бир сафар, бу киши ўзини Тошкент шаҳар ҳокимлиги ходими, деб таништирган кимсани уйимизга ки-

ритганлар, бирга ўтириб нонушта қилишган. "Ходим" уйнинг ертўласини суратга олиб, ҳокимиятга жўнатишим керак, мабодо уйингизда сенсорли телефон йўқми, деб сўраса, бор, деб келишимизнинг қимматбах телефонини олиб чиқиб берганлар. Сохта "ходим" қорнини тўйгазиб, телефонни олиб қўйиб бўлган... Бу кишининг ҳаётида бундай ҳангомалар жуда сероб. Бир гал сохта асаффуруш бу кишини ишонтириб, асалини мактаб, қиммат нархга пуллаб кетган. Кошки у асал бўлса... Та-



содифни қаранг, яқинда кўчада кетаётсалар, ўша муттаҳам асаффуруш бу "содда" харидорини таниб қолиб, машинасидаги беш кило "асал"ни яна сотмоқчи бўлибди. Хайрият, уларни набиралардан бири таниб қолибди. Бўлмас...

— Устоз ҳақиқатдан ҳам ишонувчан инсон эканлар. Бу ҳам кўнгли тозаллигидан бўлса керак. Назира опа, нималар сизга фахр туйғусини беради?

— Мен турмуш ўртоғим, фарзандларим, оила аъзоларим ва набираларим билан ҳаммиша фахрланаман. Уларнинг ҳар бир ютуғидан қувонаман ва бундан Аллоҳимга шукроналар айтаман. 4 нафар фарзандимиз бор. Ҳаммаси оилали, тинч-тотув. Катта қизимиз Наргизахон Тошкент юридик коллежини тамомлаган, ҳозир уй бекаси, ўғлим Алшер хуқуқшунос, қизим Нодира Тошкент молия институтини тамомлаган ва айни вақтда шу олийгоҳда ёшларга таълим беради, ўтган йили номзодлик илмий ишни ёқлади. Кичик қизимиз Нигора ҳам Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган, айни пайтда бола парварши билан банд. 13 нафар невараларимиз бор, аммо улар журналист, тиш шифокори ёки бошқа касб эгалари бўлишадими, бу ҳозирча номаълум.

— Устознинг асарларини ўқиб борсангиз керак, албатта. Улардан қайси бири сизга кўпроқ манзур?

— Ёзувчининг барча асарларини мутолаа қилганман. Уларнинг, айниқса, воқеани китобхонга содда ва равоқ тилда, баъзида юмор орқали осон етказиш услуби менга ёқди. "Юрак буронлари", "Сенга кўнгли берсам", "Виждон кўнғирोगи", "Саҳифага сымган сатрлар" китобларини ҳозир ҳам қайта-қайта ўқийман...

— Серқирра ижод соҳиб бўлган турмуш ўртоғингизга тилақларингиз.

— Оиламизнинг ҳамда мухлисларининг бахтига доим соғ-саломат бўлинлар. У кишига ижодий парвоз тилайман.

"Adolat" мухбири Саодат МАТЁКУБ қизи суҳбатлашди

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Muassis: «Adolat» СДП. Spёсий Кенгаши.

Бош муҳаррир: Ислам ХАМРОЕВ. Тахрир хайъати: Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ. Зухра ИБРАГИМОВА, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шухрат ЯКУБОВ.

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15. Массўла котиб — Абдуғани Содиков. Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюджетга — 700. Адади — 15 759. Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.10. Баҳои келишилган нархда. Тахририятга келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6